

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Акмал Маҳмудов

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти

***Аннотация.** Халқаро кредитлар, асосан, кредит линиялари очили йўли билан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг инвестициявий харажатлари молиялаштирилмоқда. Битта кредит шартномаси доирасида хорижий валютада бир нечта кредит олиши мумкинлиги халқаро кредитларни жалб этишининг муҳим афзалликлардан бири ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:** кредит линияси, халқаро кредит, форфейтинг, фоиз ставкаси, захира, гаров объекти.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Бу эса, ўз навбатида инвестицияларни ва экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришнинг муҳим шаклларида бири бўлган хорижий кредитлинияларини жалб қилиш кўламини кенгайтириш ва жалб қилинган кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш заруриятини

юзага келтиради.

Хорижий кредит линиялари Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро кредитларни жалб қилишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Хусусан, 2022 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 13,1 мингдан ортиқ лойиҳасини молиялаштириш учун 2,1 млрд доллар миқдорида, жумладан, тўғридантўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 1,8 млрд доллар (жами хорижий кредит линияларининг 86 фоизи) миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Мазкур кредит маблағларининг қарийб 1,5 млрд доллари (70 фоиз) саноат соҳасидаги, 111 млн доллари (5 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги, 244 млн доллари (12 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ҳамда 262 млн

о Эътироф этиш жоизки, хорижий кредит линияси орқали халқаро кредитларни жалб қилиш бевосита халқаро кредитларнинг фоиз ставкасининг даражасига ва турига боғлиқ.


а Бунинг сабаби шундани, биринчидан, фоиз ставкаси кредитнинг баҳоси ҳисобланади; иккинчидан, халқаро кредитлар қатъий белгиланган ставкада ва сузувчи ставкада берилади.

Сузувчи ставкада олинган халқаро кредитларда фоиз рискининг даражаси юқори бўлади. Чунки, сузувчи ставкада олинган халқаро кредитлар, неча фоизда олинган бўлишидапн қатъий назар, кредит қайтариладиган кундаги фоиз ставкаси бўйича тўланади. 1-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, халқаро ссуда капиталлари бозорида халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб бораётганлиги

з

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Тошкент, 2023. - Б. 55//www.cbu.uz.

билан изоҳланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %²

Ўз навбатида, халқаро суда капиталлари бозорида халқаро кредитларнинг фоиз ставкаларини ошиб бораётганлиги дунё мамлакатлари иқтисодиётини коронавирус пандемиясидан кейин тикланаётганлиги билан изоҳланади.

² Расм муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.